

# **Маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланмоқда**



Маҳаллаларда биринчи навбатда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар дастурига асосан Қумқўрғон туманидаги маҳаллаларнинг мавжуд ички йўлларида тошлаш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Хусусан, Ачамойли маҳалласидаги Зарқайнар кўчасида 1.7 км ички йўлларни тошлаш, текислаш ишлари ҳамда Уяс маҳалласининг марказий кўчасида 4 км асфалтлаш амалга оширилмоқда.

Шунингдек тумандаги бошқа маҳаллаларда ҳам ички йўлларни тошлаш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда.